

АХБОРОТ МАДАНИЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЛҚИНИ

З.О.Хужаниёзова - катта ўқитувчи
Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: ахборот, ахборот маданияти, ахборотлар билан ишлаш, информацион воситалар.

Ключевые слова: информация, информационная культура, работа с информацией, информационные средства.

Key words: information, culture of information, work with information, information means.

Бугунги кунда ХХІ асрни “ахборот” , “ахборот технологиялари” , “интеллектуал бойлик” асри деган фикрларни кўплаб эшитмоқдамиз. Бундай дейилишига асос бор. ХХІ асрдаги ахборотлар оқими, ахборот - коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, давлатлар ўртасидаги ўзаро турли соҳалардаги алоқаларнинг тараккий этишига сабаб бўлмоқда.

«Ахборот тушунчаси»нинг мазмунига тўхталадиган бўлсак, инсон яшайдиган дунё турли моддий ва номоддий объектлар, улар ўртасидаги ўзаро алоқа ҳамда таъсирлардан, жараёнлардан ташкил топган. Сезиш аъзолари, турли асбоблар ёрдамида қайд этиладиган ташқи дунё далиллари маълумотлар дейилади.

Маълумотлар аниқ вазифаларни ҳал этишда зарур ва фойдали деб топила ахборотга айланади. Демак, маълумотларга у ёки бу сабабларга кўра фойдаланилмаётган ёки техник воситаларда қайта ишланилаётган, сақланаётган, узатилаётган белгилар ёки ёзиб олинган кузатувлар сифатида қараш мумкин. Агар бу маълумотлардан бирор нарса тўғрисидаги мавҳумликни камайтириш учун фойдаланиш имконияти туғилса, маълумотлар ахборотга айланади. Амалиётда фойдали деб топилган, фойдаланувчининг билимларини оширган маълумотларнинг ахборот деб атаса бўлади.

Кундалик турмушимизда биз ахборот деганда атроф - муҳитдан сезги аъзоларимиз орқали қабул қилиб, англаб оладиган ҳар қандай маълумотни тушунамиз. Табиатни кузата туриб, инсонлар билан мулоқотда бўлиб, китоб ва газеталар ўқиш, телевизион кўрсатувлар кўриб, биз ахборот оламиз.

Таълим жараёнига нисбатан ахборотларни янада кенгрок тушунишимиз мумкин. Ахборот каторига фикр юриштиш, хулоса чиқариш натижасида ҳосил бўлган билимларни ҳам киритиш мумкин.

Бошқа соҳа вакиллари ҳам ахборотни ўзларича талқин этадилар. Ҳар доим ҳам ахборотлар турлича бўлмайдилар, уларни умумий томонлари ҳам бор. Булар ахборотни яратиш, қабул қилиш, сақлаш, ишлов бериш ва узатиш хоссаларидир.

Ахборотдан фойдаланиш имконияти ва самарадорлиги унинг репрезентативлиги, мазмундорлиги, етарлилиги, долзарблиги, ўз вақтидалиги, аниқлиги, ишонарлилиги, барқарорлиги каби асосий истеъмол сифат кўрсаткичлари билан боғлиқдир:

а) ахборотнинг репрезентативлиги - объект хусусиятини адекват ифода этиш мақсадларида уни тўғри танлаш ва шакллантириш билан боғлиқдир.

б) ахборотнинг мазмундорлиги - мазмуний ҳажмини ифода этади.

в) ахборотнинг етарлилиги - қарор қабул қилиш учун минимал, лекин етарли таркибга эга эканлигини билдиради. Тўғри қарор қабул қилиш учун тўлиқ бўлмаган, яъни етарли бўлмаган ёки ортиқча бўлган ахборот ҳам фойдаланувчининг қабул қилган қарорлари самарадорлигини камайтиради.

г) ахборотнинг долзарблиги - ахборотдан фойдаланиш вақтида унинг бошқариш учун қимматлилиги сақланиб қолиши билан белгиланади ва унинг хусусиятлари ўзгариши динамикаси ҳамда ушбу ахборот пайдо бўлган вақтдан буён ўтган вақт оралиғига боғлиқ бўлади.

д) ахборотнинг ўз вақтидалиги - унинг аввалдан белгилаб қўйилган вазифани ҳал этиш вақти билан келишилган вақтдан кечикмасдан олинганлигини билдиради.

е) ахборотнинг аниқлиги - олинаётган ахборотнинг объект, жараён, ҳодиса ва ҳоказоларнинг реал ҳолатига яқинлиги даражаси билан белгиланади.

ж) ахборотнинг ишонарлилиги - ахборотнинг реал мавжуд объектларни зарур аниқлик билан ифода этиш хусусияти билан белгиланади.

з) ахборотнинг барқарорлиги - ахборотнинг асос қилиб олинган маълумотлар аниқлигини бузмасдан ўзгаришларга таъсир қилишга қодирлигини акс этти-ради.

Бугунги кунда фанда ахборот тушунчасига бир неча хил таърифлар берилган: ахборот бу - турли объектларнинг ўзаро ишлашида рўй берувчи акс этиш жараёнининг фаол ҳаракатларни таъминлаш учун яроқли натижаларидир, ёки ахборот маълум хос матнда аниқ маънога эга тушунчаларни ичига олган далил, воқеа, ҳодиса, предмет жараён, тақдимот каби объектлар ҳақидаги билимлар мажмуидир дейиш мумкин [1].

Ҳозирги кунда таълим тизимида талабалар мутахассисликка оид маълумотларни турли каналлар орқали ўзлаштирадилар. Маълумотларнинг катта қисмини интернет тармоғидан олишга ҳаракат қилишмоқда. Интернет тармоғи энг оммабоп ва тезкор ахборот тарқатиш воситасига айланди. Мамлакатимизда ҳам интернетдан, шу жумладан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

Шунинг учун ҳам уларда ахборотлар билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Ҳар хил ахборотларга ўз нуктаи назарини билдириш, ахборотлар билан ишлаш ва улардан асосий ҳамда иккинчи даражали ахборотларни ажрата олиш қобилияти шакллантириш лозим.

Сўнгги йилларда “ахборот маданияти”га бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Унинг кенг тарқалиши жамиятнинг маънавий ҳаёти ва шахс маданиятига илмий-техник ривожланиш таъсири остида кириб келмоқда.

“Маданият” тушунчаси турли маъноларда ишлатилади, маданият индивиднинг билими, қобилияти ва маҳорати уйғунлиги сифатида ҳам кўрилиши мумкин.

Маданият ривожланган ижодий қобилиятлар, эрудиция, санъат асарлари тушунчаси, тилларни мустақил равиш ўрганиш ёки билиш, озодалик, мулоимлик, ўзини тўғри тутиш, ахлоқий жавобгарлик ва бадий дидлар билан алоқадор. Маданият одатда маҳсус тизим, алоҳида шахс томонидан яратилмайдиган, балки инсониятнинг умумтарихий амалиёти томонидан яратиладиган, рухий, ахлоқий ва илмий билимлар йиғиндиси сифатида кўрилади. Ушбу ёндоқиш маданиятни муайян цивилизация, жамиятнинг моддий ва маънавий ривожланиши ифодалари билан боғлиқ.

Маданият жамиятда ижтимоий фаолиятнинг моддий ва маънавий қадриятларига суянадиган интеграллашган маҳорат сифатида ҳам қаралиши мумкин [2].

Жамиятни компьютерлаштириш ҳақидаги адабиётларни ўрганиб чиқиш шуни кўрсатадики, кўпгина муаллифлар ахборот маданияти таркибида факат информатика соҳасига оид билимлар ва маҳоратлар комплексини кўра олишган.

Бу ягона ёндашув эмас. Мантиқан қилиб айтганда ушбу тушунчанинг моҳияти ва мазмуни компьютер даври маҳсулотлари қаторида ахборот маданиятига изчил боғлиқ бўлган билим ва маҳорат эшелентлари киради ва уларнинг кўпгина қисми ижтимоий маданий соҳада ва жуда ҳам эски даврда – шахсий компьютерларни пайдо бўлишдан анча олдин юзага келган. Шунинг учун, ахборот маданиятнинг ҳақиқий

қўлланилиш доираси компьютер теварагидаги вазиятдан анча кенгрокдир.

“Ахборот маданияти” бу шахснинг ва жамиятнинг умумий маданиятининг таркибий қисмидир. У ўзаро ахборот муносабатларини ривожланганлиги ва ахборот алоқалари билан ифодаланади. Ахборот маданияти тушунчаси шуниси билан муҳимки, у жамиятдаги информатсион жараёнларни “технологик узилиши”ни бажаради, тадқиқотчиларнинг маълу-мотга бўлган мурожаатларини эришилган даражада диққатини жамлайди, уни йўналиши ва ушбу доирадаги ўзгариш тезлиги ҳамда шу йўл билан келгуси ривожланиши тахмин қила олишади.

“Ахборот маданияти” унинг моҳияти ва тузилишига олимлар томонидан турлича таърифлар берганлар.

Россиялик академик Н.И. Гендина “ахборот маданияти бу - инсонда билим, қобилият, маҳорат мажмуаси ва маълумот манбаларини акс эттирувчи асосларга эгаллигида акс этади» деб таърифлаган [3].

Бизнингча ахборот маданияти кенг ва тор маъноларда қўлланилиши мумкин. Кенг маънода тарихий ривожланиш ва дунёнинг ахборот маданиятининг чўққисига эришилган ривожланиш образи сифатида қўлланилади.

Тор маънода тарихий-гносологик жиҳатдан ахборот маданияти ривожланган, информатсион жараёнлар ва оқимларнинг йиғиндиси ўзига хос субъектив ва объектив муносабатлари натижаси сифатида қўлланилади.

Профессор Б.Ходжаевнинг «Педагогик аксиология» ўқув адабиётида «ахборий маданият» тушунчаси асосида шахснинг ахборий жиҳатдан шаклланганлигининг учта асосий даражаси ажратиб кўрсатган: умумий (базавий), профессионал (касбий) ва юксак (мазмунли-қадриятли). Шахсда ахборий маданиятнинг шаклланганлигини маъзул даражалари аниқ мезонларни танлаш ва шахсий ривожланганлик кўрсаткичлари билан боғлиқ деб айтиб ўтилган. Фан асосларини ўрганиш орқали ахборот маданияти нафақат ўқувчиларни билиш фаолиятини оширади, балки ахборот технологияларни чуқур ўрганиш хоҳишини ҳам шакллантириб, шунингдек, илмий ориентацияга доир малакаларини ҳам шакллантириб боришини таъкидлаб ўтган [4].

Ахборот маданияти ахборот жараёнларини ташкиллаштиришдаги эришилган натижаси, информатсион мулоқотдаги одамларнинг эҳтиёжларини қондириш даражаси, яратиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, маълумотни жўнатиш ёки тарқатиш даражалари ва шу пайтнинг ўзида информатсион мулоқотнинг барча турларини оптимизациясига йўналтирилган фаолияти.

Ахборот маданияти информатсион ёндашувдан фойдалана олиш, вазиятни таҳлил қилиш ва информатсион тизимларни янада самара фойдаланиш қобилияти десак тўғри бўлади.

Ахборот маданияти тушунчаси жамиятда маълумотлар билан ишлаш, шахсда информатсион сифатларнинг шаклланиши, касбий ахлоққа боғлиқ маданиятнинг тармоғи десак муболаға бўлмайди. Шахснинг маданияти унинг ижтимоий маънога эга бўлган барча маълумотларни ўзлаштириш йўлидаги ички дунёсининг уйғунлашишидир. Ахборотлар билан ишлаш маданияти эса аксиологик характерга эга бўлган

информатсион фаолиятдир яъни маданиятнинг қадриятлар билан боғланганлигидир.

Россиялик академик Н.И.Гендина “Ахборот маданияти бу – цивилизациянинг ривожланиши даврида ҳар қандай фаолиятдаги мутахассисга имкони бор бўлган информатсион имкониятларнинг уйғунлигидир.” деган таърифида мутахассиснинг мавжуд билим ва маълумотларини амалиётга қўллаш олиши, ундан самарали фойдаланиш жараёнини маданият даражасига чиқаришини айтиб ўтган [5].

Ахборотлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш бугунги кун мутахассисининг самарали фаолият ташкил қилиши учун муҳим саналади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги асосий ислохотлар ўз навбатида олий таълим муассасалари талабаларига ҳам катта таъсир кўрсатади. Олий таълимда таҳсил олаётган талабаларни касбий малакасини шакллантириш учун аҳамиятга эга жиҳатларини, нафақат маълум билим ва кўникмалар тўлалигига, балки мустақил равишда ўз билимларини бойитиб бориш, ахборот олиш маданияти, интернетдан унумли фойдаланиш, ОАВларида тарғиб қилинаётган тарбиявий ғояларга муносабат билдира олиши лозим. Бу мақсадларга эришиши учун талабалар ахборот олиш маданияти эга бўлишлари лозим.

Талабанинг ахборот олиш маданияти таркибига: ахборотга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги, ахборот қидириш тизимлари бўйича маълумотга эга бўлиши, ахборотлар билан ишлаш қобилияти; ахборот қидириш, асосий ва қўшимча ахборотларни саралай олиш билим ва кўникмаларига эга бўлиши, адабиётлар билан ишлаш кўникмаси, ахборот ресурс маркази имкониятларини , ундан фойдаланишни билиши; ахборотларни қайта ишлаш, ахборотларга танқидий муносабат билдириши, уларни тушуниши ва баҳолаш ҳамда улардан ижодий фойдаланиш; замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдалана билиши киради.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, ахборот маданиятини жамиятдаги информатсион алоқаларнинг ривожланишидаги эришилган даража сифатида белгилашимиз мумкин. Бунда одамларнинг информатсион алоқасининг даври, шунингдек, турмуш тарзининг махсус соҳасининг ривожлантиришдаги маълумотлардан унумли фойдаланиш жараёнини маданият десак бўлади. Ахборот маданияти инсоннинг, жамиятнинг ёки унинг маълумот билан иш юритиладиган барча имкони бор бўлган соҳалардаги инсоннинг камолотга эришган даражасидир. Ахборот маданиятини фақат инсонга боғлаб қолмасдан муайян жамиятлар, халқлар, миллатлар ёки иш фаолиятининг махсус соҳаларини ривожланиш даражаси эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Олий таълим тизими талабаларига нисбатан оладиган бўлсак, давлатни тараққий қилдирувчи куч сифатида, жамиятнинг равнақи учун ахборот олиш ва қайта ишлаш маданиятига эга бўлишлари зарур.

Ахборот маданиятини бутун жамиятнинг маданиятини белгилаб берадиган тушунча сифатида қабул қиладиган бўлсак, келажакимиз бўлган ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришни педагогика соҳасининг долзарб муаммоси сифатида ўргансак бўлади.

Адабиётлар

1. Кинелев В.Г. Для решения проблем современного образования необходимо объединить возможности мирового сообщества. Информатика и образование. -Москва: 2003. № 2 -С.37 .
2. Солонина Ю.Н., Соколова Е.Г. Введение в культурологию. -Москва: Профиздат. 2003. -С.119-124.
3. Гендина Н.И. Информатсионная культура учителя. //Ориентиры культурной политики: Инф.вып. 1998. №4. -С.94-98.
4. Гендина Н.И. Информатсионная грамотность и информатсионная культура личности. / Открытое образование. №5. 2007. -С. 58-68. www.nii.art.kemerovonet.ru
5. Ходжаев Б.Х. Педагогик аксиология. -Тошкент: “Фан ва технология” 2011. 122-123-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола ахборот тушунчаси, ахборот маданияти, ахборотлар билан ишлаш, ахборот маданиятини шакллантириш заруратига бағишланган.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о понятиях информация, информатсионная культура. Автор статьи описывает работу с информацией и говорит о необходимости формирования информатсионной культуры.

SUMMARY

The article deals with the notions «information», «information culture». The author of the article describes the work with information and states about the necessity of forming information culture.